

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «16» 9

2987-13-182-TB/2022-son

Beruniy tuman

Бундан буён «БЎЮРТМАЧИ» деб аталувчи Беруний тумани тиббиёт бирлашмаси номидан низоом асосида фаолият олиб борувчи Д.Палванов бир томондан ва бундан буён «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» деб аталувчи ООО ККГОРСЕЛЬПРОЕКТ номидан низоом асосида фаолият олиб борувчи П.Жаксымбетов иккинчи тарафдан мазкур шартномани 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги УРҚ-684-сон «Давлат харидлари тугрисидаги қонуни» талаблари асосида, Қонуннинг 7-боб «Энг яхши таклифларни танлаш», Қонуннинг 56-модда «Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари буйича» 2022 йилги № 146032 сонли «etender.uzex.uz» портали тасдиқланган баённома асосида қуйидагилар ҳақида тuzдилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан кўрсатиладиган хизматларни бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

№	Хизмат тури	Ул. бир	Мик дори	Нархи	Хизмат Киймати	ККС		Хизматнинг ККС ҳисобга олинган киймати
						ставкаси	Суммаси	
1	Услуга по разработке проектно-сметных работ	Усл	1	20985217,39	20985217,39	15	3147782,61	24133000
2	Услуга по разработке проектно-сметных работ	Усл	1	21567826,09	21567826,09	15	3235173,91	24803000
3	Услуга по разработке проектно-сметных работ	Усл	1	16142608,7	16142608,7	15	2421391,3	18564000
	ЖАМИ			58695652,18	58695652,18		8804347,82	67500000

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 67 500 000 сўмни ташкил этади.

2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТНИ БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг бошланиши «15» сентябрь 2022 йил.

2.2. Кўрсатиладиган хизматларнинг тугаши вақти «30» октябрь 2022 йил.

2.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 67 500 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларини бошлаш учун «Хизмат кўрсатувчи» га шартнома нархининг 30 % ёки 20 250 000 сўм миқдорда олдиндан тўлашли ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Хизмат кўрсатувчи» кўрсатилган хизматларни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 47 250 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил октябр охиригача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3. «Хизмат кўрсатувчи» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқичка кўрсатилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Хизмат кўрсатувчи: Шартнома баҳоси 67 500 000 сўм бўлган кўрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар кўрсатиладиган хизматлар мазкур шартномада кўрсатилган муддатда Хизмат кўрсатувчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлашли:

-Кўрсатиладиган хизматларнинг муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ кўрсатилмаган, хизмат кўрсатувчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлашли, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни кўрсатиладиган хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Хизмат кўрсатувчи шартномада назарда тутилган маблаг доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тўлиқ ҳажмда, далолатнома асосида топширади.

Кўриб чиққан юрист: KAMALOVA MAXSUDA MURATBAYEVNA. Ҳужжат рақами: UN3568361735

4.4. Буюртмачи: Шартномада кўрсатилган буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдорда аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» кўрсатилган хизматларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунийликка асосан қабул қилиб олади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, муваққат равишда уларни сулғача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судига кўриб чиқилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги танкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилишни лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қарантиллаб беради.

6.2. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзга келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзга келган ҳолатга оидинлик қиритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-ҳатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўлади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг продаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургўкчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзга келган шартномаларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

7.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

7.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабрьгача амал қилади.


9.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз имзоларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманиннг амал қилиш муддатини тугатиш томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.



10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ


«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
ООО ККГОРСЕЛПРОЕКТ	Беруний тумани Тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Нукус ш. А.Шамуратов № 86	Манзил: Беруний т. Х.Дустиғи №3
Х/р 20210000100411547001	Ш/хв: 1000228603520707072120054009
Банк номи: Капитал банк Нукус шаҳри	СТИР: 200 937 347
МФО: 01038	ОКОНХ: 91 511
СТИР: 200949545	Х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ 66000	ЎР Молия вазирлиги Газначилиги
Тел: (61) 222-94-61	Марказий банк Тошкент шах ББХКМ
	ИНН:00014 СТИР: 201122919

11. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари.

«Хизмат кўрсатувчи»
 М.Ў. 
 (Имзо)

П.Жаксымбетов
 (Ф.И.Ш.)

«Буюртмачи»
 М.Ў. 
 (Имзо)
 Д.Палванов
 (Ф.И.Ш.)
 Тайёрлади: 



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA

2. Loyihaning nomi : KKGORSELPROEKT bilan 67 500 000 so'mni

3. Loyiha ishlab chiquvchi tashkilot va kiritilgan sana:

Beruniy tumani tibbiyot birlashmasi 2022-yil 13 - sentyabr

4. **Xulosa:** loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida»gi O'RQ-670-1-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi «Davlat xaridlari to'grisida»gi O'RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi «Davlat xaridlari to'grisidagi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PQ-3953-son qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi «Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»gi PF-6313-sonli farmoniga oid qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:

2022-yil "15" sentyabr



M. Kamalova.